



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуридинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Раҳбархон Муртазаева ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
2. Дилором Бобожонова ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
3. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
4. Зумрад Раҳмонкулова МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
5. Манзура Аминова ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
6. Тўлқин Ахмедов ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
7. Мансур Бойсариев ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
8. Фируза Жуманиязова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
9. Мухаммаджон Исамиддинов АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
10. Бахыт Кошанов, Хакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
11. Shohruhbek Mamadaliyev TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
12. Gulnora Maxkamova XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
13. Уктамжон Мансуров VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
14. Шоназар Матякубов XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

15. Отабек Махмудов «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда).....	109
16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
17. Зухра Ражабова ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
18. Мафтуна Рузикулова ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
19. Хасанбой Рахматиллаев ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
20. Lutfiya Salomova AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
21. Наргиза Сейтимбетова ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
22. Shaxnoza Tursunova O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
23. Икромжон Умаров КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
25. Санъат Худайбергенов ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
26. Ҳабиба Ҳасанова 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
27. Ра’но Qodirova 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


28. Қосим Қосимов ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
29. Ислом Қаршиев МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
30. Гулжаҳон Шайдуллаева ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
32. Юлдаш Юлдашев ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
33. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
34. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
35. Лазизахон Алиджанова ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
36. Дилрабо Қурбанова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
37. Камола Саипова УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
38. Аҳадулла Рахматуллаев ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
39. Азамат Ктайбеков ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
40. Гулнора Худойберганава “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



Уктамжон Носирбоевич Мансуров,
 тарих фанлари номзоди, доцент
 Тошкент давлат педагогика университети
 mansurov.u@tdpu.uz

VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ

For citation: Uktamjon N. Mansurov, VI-XI CENTURIES STUDY OF SUGHD WRITTEN MONUMENTS AS A HISTORICAL SOURCE. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.100-104

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485286>

АННОТАЦИЯ

Мазкур илмий мақолада суғд ёзма ёдгорликларини тарихий манба сифатида ўрганилиши, мазмуни ва моҳияти, тарихий аҳамияти, ҳужжатларнинг ўтмиш тарихни ўрганишда тутган ўрни, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга қай даражада таъсир кўрсатганлиги тарихий манба ва адабиётлар асосида таҳлил этилган. Суғдча тарихий ёзма манбаларни ўрганиш бўйича XX аср давомида олимлар томонидан бажарилган ишларнинг тарихшунослик таҳлили, Суғд ёзма ёдгорликларининг мазмуни, вазифа ва мақсадларига кўра таснифи ёритилган

Калит сўзлар: Ёзма ёдгорлик, тарихий манба, таҳлил, даврий чегаралар, шатиал ташрифномалари, сиёсий муносабат, маҳаллий ҳокимлик, ташриф, дипломатик алоқалар.

Уктамжон Насирбоевич Мансуров,
 кандидат исторических наук, доцент
 Ташкентский государственный педагогический университет
 e-mail: mansurov.u@tdpu.uz

ИЗУЧЕНИЕ СОГДИЙСКИХ ПИСЬМЕННЫХ ПАМЯТНИКОВ VI – XI ВВ КАК ИСТОРИЧЕСКОГО ИСТОЧНИКА

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье анализируется изучение письменных памятников Согда как исторических источников, их содержание и сущность, а также их историческое значение, роль документов в изучении истории прошлого, влияние на политическую, социально-экономическую и культурную жизнь на основе исторических источников и литературы. Историографический анализ работы, проделанной учеными в течение XX века по изучению согдийских исторических письменных источников, освещает классификацию согдийских письменных памятников по их содержанию, задачам и целям.

Ключевые слова: письменный памятник, исторический источник, анализ, периодические границы, шативальные визитные карточки, политические отношения, местные власти, визит, дипломатические отношения.

Uktamjon N. Mansurov,
Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
Tashkent State Pedagogical University
e-mail: mansurov.u@tdpu.uz

VI-XI CENTURIES STUDY OF SUGHD WRITTEN MONUMENTS AS A HISTORICAL SOURCE

ABSTRACT

This scientific article analyzes the study of written monuments of Sogda as historical sources, their content and essence, as well as their historical significance, the role of documents in the study of the history of the past, the impact on political, socio-economic and cultural life based on historical sources and literature. The historiographical analysis of the work done by scientists during the XX century on the study of Sogdian historical written sources highlights the classification of Sogdian written monuments according to their content, tasks and goals.

Index Terms: written monument, historical source, analysis, periodic borders, shakti business cards, political relations, local authorities, visit, diplomatic relations.

1. Долзарблиги:

Тарихни холисона, ашёвий далиллар ва ёзма манбалар асосида ўрганиш муҳим ва мураккаб вазифадир. Ўтмиш тарихга назар солсак шундай босқичлар бўлганки, улар жамият тараққиётининг ҳаётий зарурияти сифатида амал қилган. Жамиятнинг барча қатламлари бу жараённинг ривожидан барабар манфаатдор бўлган. Бу ўртада илғор тенденциялар ва реакция қарашлар зиддияти ҳаракатлантирувчи омил сифатида у ёки бу халқ, миллат ва жамиятнинг ялпи ривожига юзага келади. Шунингдек, Ўзбекистон тарихининг қадимги даври ва илк ўрта асрлар босқичига тегишли кўплаб муаммоларни ҳал қилишда суғд ёзма ёдгорликларининг бой ва ранг-баранг маълумотлари тўла жалб этган ҳолда улардан холисона хулосалар чиқариш.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур илмий мақолада вазифаларни ёзма манбалар асосида тарихий-қиёсий таҳлил ва даврлаштириш, тарихийлик, холислик, маълумотларни тизимлаштириш каби тамойил ҳамда усуллардан фойдаланилди. Тадқиқот доираси илк бор алоҳида ўрганилаётган мавзу сифатида таҳлил этилган бўлсада, бир қатор тарихий манба ва адабиётларда мавзуга доир маълумотлар келтирилган ва қайд этилган. Жумладан, В.А.Шишкиннинг “Афрасиаб-сакровишница древней культуры”, В.А.Лившицнинг “Надписи на фресках из Афрасиаба”, “Правители Панча», С.Г.Кляшторный ва В.А.Лившицларнинг “Севрейский камень”, Р.Сулейманов, М.Исхаков ва Ш.Ташходжаевларнинг “Древний Самарканд”, М.Исхоқовнинг “Палеографическое исследование согдийских письменных памятников” номли асарлари ва тадқиқотларида таҳлил этилаётган масала доирасига оид маълумотлар келтирилган.

Суғд мамлақати ҳақидаги илк манбалар талқини, суғд ёзма ёдгорликлари асосида қилинган умумлашмалар ва назарий ечимлар, археологик манбаларни изоҳлаш ва бошқалардаги турли-туманлик, ўзаро фарқли, баъзан эса зид фикрларнинг кўплигида кўзга ташланади. Жумладан, Суғднинг давлат тузуми масаласи, унинг таркибий қисмлари (Бухоро Суғди, Қашқадарё Суғди, Самарканд Суғди), улар ўртасидаги сиёсий муносабатлар, Суғднинг илк ўрта асрларда Турк хоқонлиги билан муносабатлари, маҳаллий ҳокимликларнинг ўзаро поғоналашган борди-келдилари кабилар. Бугунги кунда тарих фани биз ўртага қўймоқчи бўлган масалалар бўйича кўп миқдордаги ноёб суғд ёзма манбалари мажмуига эга. Улар суғд тилида яратилган кўплаб ҳужжатлар, ёзишмалар, ахлоқий-фалсафий рисолалар, сиёсий, дипломатик, ҳуқуқий, хўжалик ҳужжатлари кабилардир. Масалан VI – XI асрлар суғд ёзма

ёдгорликларига назар ташласак қуйидагиларга гувоҳ бўламиз. Бу даврда Суғд ёзуви тараққиётида ва унинг ижтимоий вазифалари доирасининг кенгайишини кўриш мумкин. Айтиш мумкин бу даврдан ҳозирга қадар энг кўп миқдорда ёзма ёдгорликлар етиб келган.

2. Тадқиқот натижалари:

VI – VII асрларда суғд ёзуви ўзининг илк ва ўрта тараққиёт босқичларини босиб ўтиб, лапидар ва ярим курсив шаклларида тез ёзув-курсив, югурик шаклларига ўта бошлаган. Ёзувнинг ҳаёт жараёнидаги дастлабки маъмурий, хўжалик ва турмуш заруратларидан кенгрок маънавий вазифалари вужудга келди. Ёзув қўлланиш заруратининг доираси сертармоқ ҳолга кирди. Шу билан бирга суғд ёзувининг ишлатилиши маълум туркум ёдгорликларининг юзага келишига хизмат қилди. Масалан, VI – XI асрлар оралиғида кўплаб монументал (хотирот) ёзувлари яратилган. Булардан алоҳида катта мажмуини ташкил этувчи Шатиал ташрифномаларини кўрсатиш мумкин. Ҳолбуки, Шатиал қояларида ёзиб қолдирган суғдча ташриф битикларининг хронологик чегаралари милодий II-III асрлардан бошланса-да, уларнинг сўнгги хронологик чегаралари VI, ҳатто VII аср бошларигача вақтни ўз ичига олган деб ҳисобланади [1:201]. Шатиал суғдий битикларининг дастлабки ўрганилиш босқичида Х.Хумбахнинг мазкур нашри алоҳида ўрин тутди. Унда Шатиал ташрифномаларидан 136 ёзув кўчирмалари, ўқилиши ва илмий таснифи жойлашган. Кейинчалик инглиз олими Н.Симс-Вильямс томонидан ушбу мажмуа қайта ўрганилиб, салкам 1000 та суғдча ташрифнома ҳақида маълумотлар йиғилди ва махсус альбомда уларнинг фотонусхалари чоп этилди [2:133]. Шатиал битикларининг суғдий қатлами палеографияси М.Исҳоқов томонидан махсус ўрганилган [3:184-192].

Шатиал суғдий ёдномаларининг тарихий аҳамияти фавқулудда қимматлидир. Уларни 1970 йилларнинг охирида покистонлик археолог ва тарихчи А.Ҳасан Доний ва даниялик этнограф олим Карл Йетмарлар Ҳинд дарёсининг юқори оқимидаги ёлғизоёқ тоғ довори олдидан жойлашган қадимий буддавий муқаддас манзилдан топишган. Бу манзил ўз даврида нафақат суғд буддавийлари учун, балки бу дин жамоаларининг бошқа кўплаб этник гуруҳлари учун ҳам зиёратгоҳ ҳисобланган. У ердаги улкан харсангтошлар сиртига буддавий муқаддас намозгоҳлар, яъни ступалар тасвирлари тушурилган. Ступалар атрофида юзлаб суғд зиёратчиларининг исмлари ва келган она юртлири номларидан иборат нисбаларнинг ёзиб қўйилган суғд жамиятида будда дини жамоалари қандай нуфузга эга бўлганини кўрсатади. Масалан, нисбалар орасида Смаркандич (Самарқандлик), Маймирғич (Маймурғ-Самарқанд вилоятидаги манзиллардан бири), Кашинак (кешлик), Пухарик (бухоролик) ва бошқалар бор. Бундан ташқари Шатиал битикларида акс этган шахс исмларининг лексик маъно хусусиятлари ҳам алоҳида ономастика, антропонимика тарихи учун муҳим манбадир. Зиёратчилар будда динида бўлсалар-да, зардуштийликка ва унинг маҳаллий кўринишларига ҳос исмларга эга бўлганлар. Масалан, Читбантак (“Олий руҳ бандаси”), Ухшбантак (Вахш илоҳининг бандаси), Тахсичбандак (Тахсич илоҳининг бандаси), Нандипар (“Нана илоҳаси берган фарзанд”) , Аспғом Навсарж ўғли (“От пойқадами билан янги йилда туғилган бола”), яъни от йилининг бошида дунёга келган одам ва ҳоқозо. Исмларни таҳлил қилишга М.М.Исҳоқов алоҳида эътибор берган. Аммо, бу масалани махсус ўрганиш зарурлигича қолмоқда. Суғд ташрифномалари туркумига мансуб яна бир ёзма ёдгорлик VII аср Суғд давлатининг ташқи алоқалари билан боғлиқ Афросиёб деворий ёзувидир. Бу ёзув VII аср ўрталарига оид подшолик саройи деворларига ишланган [4 :21]. Бу ёзувнинг мазмун ва изоҳлари И.А.Лившиц томонидан эълон қилинган [5:17]. Кейинроқ Афросиёб ёзуви мазмунига бир неча бор муурожаат этилган. Жумладан, 1980 йилда нашр қилинган “Древний Самарқанд” номли оммабоп китобда бу ёзувга яна муурожаат этилиб, унинг биринчи ўқилишига жиддий тузатиш киритилган [6:17]. Хусусан, унда дастлабки талқин бўйича “Хун подшоси Вархуман”, деб ўқилган жумла хитой манбаларида Самарқанд подшолари сулоласи келиб чиққан уруғ номи “Виншу” уруғ атамаси экан. Демак “Унаш” уруғига мансуб хонадан вакили подшо Вархуман деб изоҳлаш мақсадга мувофиқдир [7:29]. Афросиёб деворий ёзуви палеографик жиҳатдан ҳам махсус ўрганилган ва ёзувнинг матн қаторлари юқоридан пастга-вертикал йўналишли тез ёзув хат тури деб таърифланган [8:321]. Афросиёб деворий ёзуви қимматли тарихий манбадир. Унда 650-

йилларнинг ўрталарида Суғд тарихига ўтилган Вархуман билан дипломатик алоқаларга киришган Чағониён ҳокимлигининг Бургзода исмли вакили раҳбарлигида Самарқандга келган элчилик ташрифи ҳақида маълумот сақланган. Бу эса ўзига хос дипломатия тарихи воқелигидир.

Илк ўрта аср ташрифномаларидан яна бири 762 йилга оид. Уйғур ҳоқони Иги Яглақар буйруғи билан Муғулистон худудидаги Сэвресомон номли манзилда тош юзасига суғд хати билан битилган. Ёзув Хитой устига юриш давомида қўлга киритилган ғалаба ҳақидаги зафарномадир. Севресомон ёзуви ҳам бирламчи ўқиш ва изоҳ тарзида нашр этилган[9:32-34]. Суғд ташрифномаларининг яна бир ёрқин намунаси X аср охири – XI аср бошларига оид Еттисув ва Талас водийсида сақланган қоятош битикларидир. Уларни И.А.Лившиц 1-А, 1-Б, 2-А, 2-Б, 2-Г, 2-Е, 2-Ж рақамлари билан белгилаган[10:15]. Терексой ташрифномалари бу ерга муқаддас манзил сифатида зиёрат учун келган турклар томонидан ёзилган. Битикни ёзишга буюрган шахснинг номи қорахонийлар даври йирик арбобларидан бири Алп Тархон Култегин деб ўқилган. Матн мазмунида унинг ёзилган вақти Хусрав йил ҳисоби бўйича 275 йил деб кўрсатилган. Бу сана Сосонийларнинг сўнгги подшоси Яздигирд III жорий қилган эра-632 йилдан бошланган. Аввало, XI аср бошида, аниқроғи, 1007 йилда турк мансабдори Алп Тархон Култегиннинг суғд тили ва уйғурлашган суғд ёзувидан хотирот ташрифномасини ёздиришда фойдалангани алоҳида диққатга сазовор ҳодисадир[11:321]. Яна шу каби суғд ташрифномаларидан бири Терексой яқиндаги Қулонсойдан топиб ўрганилган. Бу ёзув ҳам турклар томонидан, хусусан, Илтак Тартош Ўрунчур томонидан буюрилган. Терексой ва Қулонсой битиклари орасида туркий ижтимоий атамаларидан Тархон, Чур, Хотун кабилар ва булар қаторида турк амалдорларига нисбатан хванбу каби суғдча ҳоким мартаба номининг қўлланиши кабилар турк-суғд маданий-тарихий симбиози ва бу билан боғлиқ суғд-турк этник маданий муносабатларига ишорат қилади. Булардан ташқари Тутук, Тархон, Элчи, Танри кули каби ижтимоий атамалар ишлатилиши битик муаллифларининг қадимги туркий жамиятга хослигини кўрсатади.

Терексой ва Қулонсой битикларида қўллангани саналарнинг энг сўнгги йили милодий 1025 йил билан чегараланган. Яна бир сана кўйиш усули қадимги туркларда мучал йил ҳисоби амал қилганини кўрсатади. Масалан, суғдча Мушсард, Нокосард кабилар “сичқон” йили ва “илон” йили демақдир. Қулансой ва Терексой ташрифномалари илк ўрта асрлар суғд ёзув аъёнаси суғдий тош мангу битикчилиги кўринишда туркийлар орасида узоқ давом этганини кўрсатади. Иккинчи томондан, бу ҳол Мавороуннаҳрдан ташқарида араб ёзувига ўтиш нисбатан секин кечганидан ҳам далолатдир.

4. Хулосалар:

Юқоридаги таҳлил этилган маълумотлар асосида хулоса қилиб айтганда:

Биринчидан: VI – XI аср суғд ёзма ёдгорликлари жанр ва тур хилма-хиллиги, уларнинг вазибалари ранг-баранглиги ҳам суғд жамиятининг маданий савияси юқори бўлганлигини кўрсатади.

Иккинчидан: Суғд ёзув маданияти Марказий Осиё икки дарё оралиғида Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё воҳаларида шаклланиб, Чоч, Фарғона, Еттисув, Жанубий Қозоғистон, Олтой ўлкаси, Шарқий Туркистон, Муғулистон ерларигача ёйилган. Маҳаллий турли-туман шароитларда суғд ёзув маданияти туркий халқларга таъсир кўрсатган. Уйғур туркийси айна VII асрда бевосита суғд ёзувининг курсив-тезкор усулларидан ўсиб чиқиб шаклланган.

Учинчидан: Суғд ёзуви умумсуғд ижтимоий-маданий ва маънавий эҳтиёжларига хизмат қила бориб, турли диний жамоаларда диний фалсафий-ахлоқий матнларни кўчириб кўпайтиришга хизмат қилган. Булар буддавийлик, монийчилик, христиан динларига мансуб ёдгорликлар, дунёвий адабиёт, хўжалик ҳисоб-китоблари, ўзаро ёзишмалари, тақвимлар, ташриф хотираномалари, қабр тошларига ўйиб битилган ёзувлар ва бошқалардир.

Тўртинчидан: Суғд ёзма ёдгорликларининг Ўзбекистон тарихи учун аҳамияти бекиёсдир. Чунки, уларнинг яратилган бош макони Суғд бугунги Ўзбекистоннинг уч вилояти Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ерларига тўғри келади. Суғд ёзма ёдгорликларининг энг

муҳим тарихий ёдгорлик хусусияти, уларнинг воқеаларга четдан қараб эмас, ичида турган ҳолда ёзилганидир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Humbach H. Die Soghdishen Inschriftenfunde vom oberen Indus (Pakistan) // Allgemeine und vergleichende Archäologie – Beiträge. -München, 1980. – Bd.2. –P.201;
2. Corpus Inscriptionum Iranicarum/ Ed/ N/Sims-Williams.London, 1987-133 p
3. Исхаков М.М. Палеографическое исследование согдийских письменных памятников: Дисс... д-ра ист. Наук.-Т. 1992-С. 184-193. (Iskhakov M.M. Paleographic studies of Sogdian written monuments: Diss... Dr. ist. Sciences.-Т. 1992-pp. 184-193).
4. Шишкин В.А. Афрасиаб – сокровищница древней культуры. –Т. 1965. -21 С.(Shishkin V.A. Afrasiab is a treasury of ancient culture. –Т. 1965. -21 P).
5. Лившиц В.А. Надписи на фресках из Афрасиаба// Тезисы докладов сессии, посвященной истории живописи стран Азии.-Ленинград, 1965. -С.13-17.(Livshits V.A. Inscriptions on frescoes from Afrasiab// Abstracts of the session devoted to the history of painting in Asia.-Leningrad, 1965. -pp.13-17).
6. Сулейманов Р., Исхаков М., Ташходжаев Ш. Древний Самарканд.- Т.: Фан, 1980.- С.17.(Suleymanov R., Iskhakov M., Taskhodjaev Sh. Ancient Samarkand. - Т.: Fan, 1980.- p.17).
7. Лившиц В.А. Правители Панча// НАА.-1979.-№4. С.29.(Livshits V.A. The Rulers of Punch// NAA.-1979.-No. 4. p.29).
8. Исхаков М.М. Палеографическое исследование согдийских письменных памятников: Дисс...д-ра ист. наук.- Т., 1992. -С. 321.(Iskhakov M.M. Paleographic studies of Sogdian written monuments: Diss...Doctor of Historical Sciences. - Т., 1992. -p. 321).
9. Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Саврайский камень//Советская Тюркология.-1971.-№3.- С.32-34.(Klyashtorny S.G., Livshits V.A. Savray stone//Soviet Turkology.-1971.-No. 3.- pp.32-34).
10. Лившиц В.А. Согдийцы в Семиречье: Лингвистические и эпиграфические свидетельства. ПП и ПИКНВ. КС XV годичной научной сессии ЛОИВАН. Москва, 1981- С.15-17.(Livshits V.A. Sogdians in Semirechye: Linguistic and epigraphic evidence. PP and PICNV. COP XV annual scientific session LO IVAN. Moscow, 1981-pp.15-17).
11. Исхаков М.М. Палеографическое исследование согдийских письменных памятников: Дис...д-ра ист. наук.- Т., 1992. -С. 321.(Iskhakov M.M. Paleographic studies of Sogdian written monuments: Dis...Doctor of Historical Sciences. - Т., 1992. -p. 321).

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000